
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ АРАФАСИДА СЎХДА 31 НАФАР ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ СУННАТ ТЎЙИ ЎТКАЗИЛДИ

Давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами тантаналари арафасида бугун Сўх туманидаги “Соҳил” тантаналар мажмуида вилоят мактабгача таълим бошқармаси ташаббуси билан 31 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган, дафтарларга киритилган оилаларнинг фарзандлари, асосан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун суннат тўйи ўтказилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари ушбу хайрли тадбирда иштирок этдилар.

Табриклаш учун сўз олган вилоят раҳбари ушбу саҳоват тадбири Давлатимиз раҳбари бошчиликларида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган ислоҳотларнинг бир кўриниши эканини таъкидлаб, тўйболаларнинг Ватанимиз, халқимиз хизматида бўладиган етук инсонлар бўлиб етишишларига тилак билдирди.

Тўйда болаларга янги сарполар кийдирилиб, ҳар бирига велосипед ва бошқа қатор совғалар топширилди. Сўхлик санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тўйга йиғилган маҳалла аҳли, оналарга байрам кайфиятини улашди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-25 00:07:51